

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Тошкент архитектура  
қурилиш институти  
ректори**

**Р.Р.Ҳакимов**

**“ 24 ” 09 2017 й.**

**“Талабалар турар жойида яшаш учун ариза бериш”  
интерактив хизматининг регламенти**

**1. Хизмат таърифи.**

**1.1. Хизмат номланиши.**

Қисқа номи: “Талабалар турар жойида яшаш учун ариза бериш”.

Кенгайтирилган номи: Тошкент архитектура қурилиш институтининг (кейинги ўринларда ТАҚИ) расмий веб сайти орқали “Талабалар турар жойида яшаш учун ариза бериш” хизмати

**1.2. Хизмат натижаси.**

ТАҚИ талабалари томонидан талабалар турар жойларида яшаш учун ТАҚИ ректори номига жўнатилган электрон аризани қабул қилиш.

**1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар.**

Тошкент архитектура қурилиш институти

**1.4. Ҳуқуқий асослар.**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 17 январдаги “Талабалар турар жойи фаолиятига оид янги таҳрирдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 11-сонли буйруғи.

**1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.**

Тошкент архитектура қурилиш институти талабалари фойдаланиши мумкин.

**1.6. Ариза бериш муддатлари.**

Талабалар турар жойида яшаш учун аризаларни ўқув йили давомида тақдим этиш мумкин.

**1.7. Бажариш муддатлари**

Талабалар турар жойида яшаш учун аризалар 3 (уч) иш куни муддатида кўриб чиқилади.

**2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш.**

**2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.**

Мурожаат этган аризачига қуйидаги ахборот берилиши лозим:

- Хизмат регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиш усуллари;
- Талабалар турар жойларида бўш хона мавжудлиги ва бу ўринлар кимлар (қизлар ёки йигитлар) учун мўлжалланганлиги тўғрисида маълумот.

2.2. Батафсил маълумот олиш.

“Талабалар турар жойида яшаш учун ариза бериш” хизмати тўғрисида ахборот бериш ТАҚИ расмий веб-сайти орқали амалга оширилади.

2.3. Сўровнома бўйича маълумот олиш.

Ушбу хизмат, ТАҚИ расмий веб-сайти орқали мурожаат этилган махсус шакл тўлдирилганидан кейин электрон кўринишда кўрсатилади.

2.4. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

ТАҚИ талабалар турар жойларининг манзили ва жамоат транспорти йўналишлари рақамлари билан бирга кўрсатилади.

2.5. Фойдаланадиган бланкалар.

Ариза электрон шаклда тўлдирилади.

### **3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.**

3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатишнинг иш вақти: ҳафтанинг душанба – шанба кунлари соат 9<sup>00</sup> дан 18<sup>00</sup> гача.

3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3 (уч) иш куни.

### **4. Хизмат кўрсатиш тартиби**

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

- Талабаликни тасдиқловчи ҳужжат (гувоҳнома);
  - жисмоний шахсларнинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ);
  - ЭРИ (электрон рақамли имзо).
- (қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин).

4.2. Хизмат тўлови.

“Талабалар турар жойида яшаш учун ариза бериш” хизмати бепул амалга оширилади.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

ТАҚИнинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
- “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Талабалар турар жойида яшаш учун ариза бериш” хизмати танланади;
- аризачи томонидан факультет, йўналиш (мутахассислик), босқич (1-7), таълим олаётган гуруҳ (киритилади), талабалар турар жойи рақами (мавжуд бўлса), жинси, доимий яшаш манзили (вилоят, туман, шаҳар), талабалар турар жойидаги бўш хона танладаи (мавжуд бўлса);
- талабанинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
- талабаликни тасдиқловчи ҳужжат (гувоҳнома) нинг электрон нусхаси илова қилинади;
- ариза тўғри тўлдирилганлигини тасдиқлаб, “Электрон рақамли имзо билан юбориш” (қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин)

4.4. Хизмат кўрсатишининг ички идоравий жараёни.

Масъул ходим талабалар турар жойидаги бўш хоналар ҳақидаги маълумотларни тизимга киритади.


Талаба томонидан танланган хонада бўш жой мавжуд бўлса, у ҳолда талабанинг аризаси қабул қилинади ва бу ҳақда хабар берилади.

Рад жавоби берилса, асослари ариза берувчига юборилади.  
(қўшимчалар бўлса кўрсатилсин).

4.5. Рад этиш сабаблари.

- Ариза шакли нотўғри ёки тўлиқ тўлдирилмаган бўлса;
- “ТАҚИдаги талабалар турар жойига талабаларни жойлаштириш тартиби”га мос келмаган ҳолатлар бўлса;
- Талабалар турар жойида бўш жой мавжуд бўлмаса;
- ТАҚИнинг ички қоидаларида белгиланган бошқа ҳолатлар.

**“КИРИТИЛДИ”**  
Тошкент архитектура  
қурилиш институти  
Маънавият-маърифат  
бўлими

  
А.Султонов  
“ 27 ” 09 2017 й.

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Тошкент архитектура  
қурилиш институти  
Ахборот технологиялари  
маркази бошлиғи

  
Э.Умматов  
“ 24 ” 09 2017 й.